2008 ЙИЛ, 26 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (11.251)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Оила маросимлари» марказида «Ёш оила қурувчилар мактаби» тингловчиларининг ўқув машғулоти ўтказилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 313-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан таълим самарадорлигини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм кунига бағишлаб «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, «ЭКОСАНТУР» халқаро экологик туризм маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликларида уюштириладиган экофестиваль «Туризм ва экотуризм — барқарор ривожланиш мақсадида» деб номланади.

● **КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан фахрий ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Учтепа туман халқ таълими бўлими томонидан уюштирилди.

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб уюштириладиган тадбир «Муаллим — оламнинг ёруғ чироғи» деб номланади.

● **КЕЧА** шаҳримизда алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган конференция замонавий босқичда ҳуқуқий давлатни шакллантиришда ахборот коммуникация технологияларининг роли масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Сергели туманида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Тошкент тиббиёт академиясининг стадионида талабалар ўртасида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган спорт мусобақалари якунланди.

● **МИРОБОД** туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида **БУГУН** туман фаоллари, ўқув муассасалари ўқитувчилари иштирокида уюштирилган тадбир Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланди.

● **КЕЧА** Тасвирий санъат галереясида санъат ихлосмандлари эътиборига Ёшлар йилига бағишлаб Республика тасвирий ва амалий санъат мактаб-интернати ўқувчилари томонидан тайёрланган «Орзуимдаги шаҳар» деб номланган расмлар кўргазмаси ҳавола этилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*





*Тадбиркорлик*

## БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТИШИДА, ХАРИДОРЛАР КЎПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ТАННАРХИ ҲАМ ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ХУДДИ ШУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАРДАН БИРМУНЧА АРЗОН, ЛЕКИН СИФАТИ БИЛАН РАҚОБАТБАРДОШДИР.**



Ана шундай рақобатбардош маҳсулотлар пойтахтимиздаги «ALKIM TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашё—пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланмоқда. Туркиядаги таниқли «ALKIM TEKSTIL» компанияси билан ҳамкорликдаги ушбу корхонанинг иш бошлаганига эндигина 3 йилдан ошган бўлсада, лекин муваффақиятлари салмоқди бўлмоқда.

Корхона раҳбари Вадат Заимнинг таъкидлашича, мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳар томонлама қулай инвестицион муҳит, ҳуқуқий ҳимоя эркин фаолият кўрсатишда, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда, эзгу мақсадлар йўлида интилишда ва ички ҳамда ташқи бозорни рақобатбардош товарлар билан таъминлашда катта ҳисса бўлмоқда.

Сифатли пахта хом ашёси тадбиркорларга қўл келиб; улар асосан кичкинтойлар учун кийим-кечаклар ва трикотаж матолари ишлаб чиқаришмоқда. Болалар кийим-кечакларининг 100 дан ортиқ моделлари яратилган бўлиб, улар ихчам, қулай ва чиройлидир. Сифат эса ишлаб чиқаришнинг бош мезони саналади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминлашда, рақобатбардош турларини оширишда хорижий дастгоҳ ва ускуналар ишчи-хизматчиларнинг энг яқин мададкори бўлмоқда. Корхонадаги амалий таълим курслари эса маҳоратли ва малакали чеварлар, ишчилар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқдаки, бу меҳнат самарадорлиги ҳамда маҳсулот сифати, дизайни, ўралишида яққол кўринмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур корхонада ўрнатилган хорижий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланилса, кунига 10 тонна газламани бўяш, 5 тонна мато тўқиш, 3 тонна матога гул солиш ва 15 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, маҳсулотларнинг 90 фоиздан зиёди хорижга, яъни Болгария, Германия, Нидерландия, Австралия, Россия, Туркия ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, корхонада тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда зарур бўлган кимёвий модда ва бўёқлар савдоси ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга қўл келмоқда.

Корхона тадбиркорлари Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги Қарори ижросини таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхона ишларига 30 нафарга яқин касаначи жалб этилган бўлиб, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланилмоқда.

Бугунги кунга келиб корхона тадбиркорлари юртимизда фаолият юритаётган 400 дан ортиқ кичик цех ва корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда. Албатта, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли матолардан фойдаланиб маҳаллий тадбиркорларимиз ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош кийим-кечаклар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Бозорни тинмай ўрганиб бораётган корхона мутахассислари келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш сингари режаларни кўзлашмоқда. Албатта, шу асосда йигит-қизлар учун қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади. Корхонанинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотларининг хорижлик харидорлари сафи ҳам ортиб бораверади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: сифатли маҳсулот тайёрлашда хориж дастгоҳлари ва уларни моҳирона бошқараётган малакали кадрларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарган йиғилишда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ўқувчиларга замонавий талаблар асосида билим бериш, тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган болаларни тўгаракларга ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг билим ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш борасидаги ишларнинг аҳволига доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларида 5 миллион 385 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётгани, ўқувчиларга турли касб сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишига қараб билимини амалиётда мустаҳкамлаш учун тўгаракларга жалб қилингани қайд этилди.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларга замон талаблари асосида билим бериш, тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларни тўгаракларга ва оммавий спортга жалб қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини жонлантириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида замонавий жиҳозларни ўрнатиш, уларда фан ва касб тўгаракларини юритиш ишини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларни касбга йўналтириш, таълим муассасаларидаги тўгарак турлари ва йўналишларини кенгайтириш, ходимларнинг билим даражаси ва малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмасини шакллантириш, таълим муассасаларида молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон халқ таълими вазири Ғ.Шоумаровнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала бўйича жойларда муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам қайд этилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси ижросини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитовнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Акбарова иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**БУГУНГИ КУНДА БУТУН ДУНЁДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УЛКАН МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МЕРОСИ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА. ТОКИОДА "JATA WORLD TOURISM CONGRESS AND TRAVEL FAIR -2008" ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ ДОИРАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САНОАТИ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ ҲАМ БУНИ ЯНА БИР КАРРА ТАСДИҚЛАДИ.**

Тақдимот маросими "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак-тур" халқаро ёшлар туризм ва ҳамкорлик бюроси, Япониянинг Ердан фойдаланиш, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакатдаги элчихонаси ҳамда Япония туризм агентликлари ассоциацияси (JATA) кўмагида ташкил этилди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон ва Япония ўртасида туризм соҳасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, шу жумладан, "Келажак-тур" бюросининг ушбу мамлакатдаги туризм агентликлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришдан иборат.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўлимининг имкониятини кучайтириш» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказида чўлланиш жараёнининг олдини олиш ва экологик вазиятни барқарорлаштиришда илм-фаннинг ўрнига бағишланган илмий анжуман бошланди. Тадбирда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.**

**● Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ICI-2008—Интернет ва янги авлод мобиль, симсиз ва оптик тармоқлари бўйича 4-халқаро Марказий Осиё конференцияси бўлиб ўтди.**

**● Қўқон автотранспорт коллежи Швейцариянинг юртимизда фаолият кўрсатаётган касбий кўникмаларни ривожлантириш лойиҳасига аъзо бўлди. Мазкур лойиҳа доирасида коллежга автоматлаштирилган бошқарув тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва созлаш йўналиши бўйича 30 та талаба қабул қилинди.**

**● Гулистон шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

**● Учқудуқ туманида «Тил ўргатиш маркази» иш бошлади. Мазкур марказ бевосита туман ҳокимлигининг 2008 йилга мўлжалланган мақсадли дастури асосида ташкил қилинди.**

**● Жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда «Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланган Тошкент Халқаро туризм ярмаркаси бўлиб ўтади. Ушбу анъанавий тадбир Марказий Осиёдаги энг йирик сайёҳлик кўргазмаларидан бири ҳисобланади.**

**● «Ўзстандарт» агентлигида «Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолашнинг ҳозирги кундаги муаммолари» мавзуида республика семинари ташкил этилди. Унда мазкур соҳага ихтисослашган идора ва ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.**

**● «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компанияси республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири бўлган «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкини 2008 йилда ҳам самарали хизмат кўрсатаётганлигини тасдиқлаб, «Барқарор» тоифадаги рейтингга лойиқ деб топди.**

### ЖАҲОНДА

**● Венесуэла Президенти Уго Чавес ва Хитой раҳбари Ху Цзиньтао энергетика ва иқтисодий соҳаларда бир қатор ҳамкорлик битимларини имзолашди. Унга кўра 2012 йилдан бошлаб Венесуэла нефтининг Хитойга экспорт ҳажми кунига уч баробар ошади. Шунингдек, мазкур давлатлар ҳамкорликда нефтни қайта ишлайдиган заводни барпо этиш борасидаги таклифларни ҳам кўриб чиқмоқда.**

**● Тибетда кучли зилзила содир бўлди. Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича олти баллга тенг бўлганлиги ҳақида «Синьхуа» ахборот агентлиги маълум қилди. Ҳозирча, қурбон бўлганлар ва талафотлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.**

**● Россия денгизчилари Сомали сувларида жаҳон кема саноатига кун бермаётган қароқчиларга қарши уруш очди. Бу ҳақда флот адмирали Владимир Висоцкий маълум қилган. Унинг сўзларига қараганда рус ҳарбий денгиз кучлари Аден кўрфазида ҳеч қандай халқаро ҳарбий амалиётга аралашмайди, балки денгиз қароқчиларига қарши жанг олиб боради.**

**● Буюк Британияда 2009 йилдан бошлаб ёшлар учун театр томошаларига ташриф буюриш бепул бўлади. Бирлашган Қиролликнинг маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган янги дастурга кўра, 18 ёшдан 26 ёшгача бўлган британияликлар ҳафтада бир марта театр учун бепул чипта олиш имкониятига эга бўлади.**

**● Бир ҳафтадан буён Шри-Ланка шимолида жангарилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтмоқда, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Тўқнашувлар чоғида 18 нафар жангари ва бир ҳарбий ҳалок бўлгани айтилмоқда.**

**● «Sku News» тарқатган хабарга кўра, Покистон ҳудудидаги барча аэропортлар ёпиб қўйилган. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида кўрсатилишича, бундай йўл тутилишига Покистондаги аэропортларда терактлар содир этилиши тўғрисида номаълум шахс томонидан берилган хабар сабаб бўлган.**

**● Австралия тиббиёт олимлари сайёрамизда биринчилардан бўлиб одам эмбрионини клонлаштириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Мамлакат парламенти яқинда фақатгина тиббиёт йўналишида фойдаланиш учун одам эмбрионини клонлаштиришга рухсат берувчи қонунни тасдиқлади.**

## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

***Мустақил ривожланиш даврида халқимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларнинг ушалишини таъминловчи энг ишончли йўллардан бири, бу — таълим ва тарбия, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, маънавий ва маърифий ривожланишни энг юксак даражага кўтаришдир.***

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Қарорига биноан шу кунларда халқимиз томонидан табаррук 90 йиллик таваллуд тўйи нишонланаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ана шу эзгу ишларни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган олий таълим марказларидан биридир.***





# ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

**АЙНИ КУНЛАРДА 90 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ НИШОНЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА МАЗКУР ТАЪЛИМ ДАРГОҲИНИНГ ТАРИХИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ МУЗЕЙ ОЧИЛДИ.**

1918 йилнинг 12 майида асос солинган ушбу илм-маърифат даргоҳи дастлаб Халқ университети сифатида фаолият кўрсатган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йил 28 январда қабул қилинган фармонига биноан, ушбу сана Ўзбекистон Миллий университетига асос солинган кун этиб белгиланди. Музей тарихимизнинг ушбу муҳим даврини кўз олдимизда гавдалантиришда, маърифатпарвар аждодларимизнинг босиб ўтган оғир ва сермазмун ҳаёт йўлини чуқур ўрганиш ва юртимиз озодлиги йўлидаги фидокорона курашларини теран ҳис этишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Университет ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилларда адабиёт, фалсафа, иқтисодиёт, ижтимоий йўналишлар, физика, риёзиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиёт каби соҳаларни ўз ичига олган бешта факультет мавжуд эди. Бу даргоҳларда малакали мутахассислар тайёрланиши баробарида илм-фанда катта ўзгаришлар ясаган муҳим кашфиётлар яратилди.

Университет ташкил топганидан то бугунги кунгача бўлган даврда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги ўнлаб илм-фан, олий таълим даргоҳлари ва кўплаб маънавият-маърифат масканлари шаклланишида замин бўлди. Ушбу илм-маърифат даргоҳидан мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани тараққиётига муҳим улуш қўшган кўплаб олимлар етишиб чиқди.

Музей экспозициялари орасида ана шундай илмий тадқиқотлар жараёнида қўлланилган, бугунги кунда муҳим тарихий ашёга айланган илмий-тажриба қурилмалари, ихтиролар, турли даврларда олимларимиз томонидан яратилган ўқув-услубий ва илмий адабиётлар алоҳида ўрин олган. Университетда турли йилларда фаолият юритган олимларнинг фотосуратлари, ҳаёт йўли ва педагогик ҳамда илмий фаолиятига оид лавҳалар эса мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фани ривожида мазкур илм-маърифат масканининг ўрни ва роли ҳақидаги тасаввурни янада бойитади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги бошқа илм-фан даргоҳлари сингари Ўзбекистон Миллий университетида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу даргоҳда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар таълим ва илм-фан соҳасидаги ишларни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтиришга муносиб улуш қўшадиган малакали мутахассислар тайёрлаш ва янги-янги илмий йўналишларни шакллантириш юзасидан самарали ишларни ҳаётга татбиқ этмоқдалар.

Университет тарихи музейидаги факультетлар фаолиятига оид стендлар ана шу йўналишда эришилаётган ютуқлар, таълим ва илм-фан тизимидаги устувор йўналишлар ва дастурлар, таълим ислоҳотлари бераётган самараларга бағишланган.

Булар халқимизнинг бой тарихини, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожидаги ўрнини жаҳонга кенг намойиш этиш, улғайиб келаётган авлодни бебаҳо қадриятларимиз ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР. УЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ ПРОФЕССОРИ, БАСТАКОР БАҲРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ» ДЕГАН ЮКСАК УНВОНГА САЗОВОР БЎЛДИ.**

— Баҳрулла Лутфуллаев ўзбек мусиқа санъати ва маданияти ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тиниб-тинчимас ажойиб бастакор, ёшларнинг меҳрибон устози ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — У ўзининг баракали ижоди билан хор жамоалари, ўзбек халқ чолғулари оркестри, эстрада оркестри, симфоник, камер-симфоник оркестрлари, камер чолғу ансамблари, мусиқали театр, хонанда ва созандалар репертуарини бойитиб келмоқда. Унинг асарларида ўзига хослик, такрорланмас, сеҳрли жараён ва ҳар бир мусиқий асарига чексиз меҳр билан ёндашиш мавжуд. Юксак мукофот айнан унинг кўп йиллик ва

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# САМАРАЛИ ИЖОД РАҒБАТИ

самарали ижодига берилган холис баҳодир. Зеро ана шундай жонкуяр, заҳматкаш иқтидор эгалари бор экан, юртимиз довруғи оламни тутаверади, ватанимиз юксалаверади, заминимиз узра тинчлик, меҳр-муҳаббат қўшиқлари янграйверади...

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашда Баҳрулла акага ўхшаган инсонларнинг меҳнатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Баҳрулла ака талабалик давридаёқ, фортепиано учун «Рақс», «Сўзсиз қўшиқ», «Вариация», «Абадий аланга» деб номланган бир қатор мусиқий асарлар яратди. Унинг «Наврўз алёри», «Куйдирма кўп», «Бир тола соч», «Куз манзараси», «Она», «Ҳур Ўзбекистон», «Тошкентим бор бўл», «Ўзбекистон ифтихоримсан» каби мусиқий асарлари халқимизнинг қалбидан муносиб жой олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки бастакор, вокал-симфоник ва симфоник асарларида ҳам хорни қўшган ҳолда кўп қисмли асарлар яратган. Булар жумласига «Улуғбек юлдузи», «Нидо», «Уруш номинг ўчсин жаҳонда», «Ўлка», «Яйра Туроним, яйра», «Симфония-1», «Симфония-5», «Симфония-6» каби жуда кўплаб асарларни мисол келтириш мумкин.

Баҳрулла Лутфуллаев даставвал хор жамоасида хонанда, кейинчалик дирижёр бўлиб фаолият кўрсатиб ижодий жараёнида туб бурилиш ясаган. Ўзбекистон Давлат Консерваториясини муваффақиятли битириб радиода хор артисти, дирижёр ва бош дирижёр вазифаларида иш олиб борган. Мусиқа басталаш иштиёқи пайдо бўлгач эса яна бошқатдан консерваториянинг композиторлик факультетига ўқишга кириб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» Мирсодиқ Тожиев синфида таҳсилни давом эттиради.

Кўп йиллик ўқиш ва изланиш унинг ҳаётида ўзига хос бир мактаб яратди. Баҳрулла ака 1998 йилдан бошлаб Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида халқ мусиқаси кафедрасида, 2002 йилга қадар доцент вазифасида иш олиб бориб талабаларнинг меҳрибон устозига, сирдош дўстига айланади. 2002 йилдан эса Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида бадиий- мусиқий эшиттириш таҳририятида бош муҳаррир лавозимида, 2003 йилдан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон Давлат санъат институти профессори лавозимларида ишлаб келмоқда. Шунингдек у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби» унвонлари соҳиби, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Баҳрулла Лутфуллаевнинг босиб ўтаётган машаққатли ва заҳматли ибрат йўли ҳар бир ёш мусиқачи ва хонанда учун тажрибали маҳорат мактаби бўла олади. Чунончи ҳар қандай муваффақият аввало иқтидор, истеъдод, кўп йиллик ўқиш ва изланиш, асосийси эса меҳнатни талаб қилади. Севимли бастакоримизнинг ҳаёт йўли нурли машъалга ўхшайди, унинг шуъласи жуда кўплаб қалбларга зиё таратади.

— Мен яшаб ўтаётган ҳар бир кунимга шукрона келтираман, — дейди «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» Баҳрулла Лутфуллаев байрам арафасида биз билан қилган суҳбатида. — Инсон яшар экан аввало эзгуликка, яхшиликка интилиши лозим. Умр йўлларимга назар ташлар эканман, унинг беҳудага сарф бўлмаётганига хурсанд бўламан. Атрофимда доимо ижодкорлар, теварагимда эса илм олиш истагида бўлган ёшлар борлиги, мен эса шу муқаддас ватан, унинг равнақи ва юксалиши йўлида хизмат қилаётганимдан мамнунман. Ишонаманки, ҳали жуда кўп мусиқий асарлар яратаман. Ҳар бир асаримда юртим мадҳини куйлайвераман. Зеро ватан муқаддас ва ягонадир. Мен олган юксак мукофот эса менинг камтарона хизматларимга берилган баҳодир. Бу учун аввало Президентимиз ва давлатимизга чуқур миннатдорчилик билдириб қоламан. Яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан барча касбдошларимни муборакбод этаман.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

---

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Маълумки, Япония туризм саноати юқори даражада ривожланган мамлакат ҳисобланади. Ҳар йили 17 миллион нафардан ортиқ япониялик дунёнинг турли давлатларида сафарда бўлади. Шу сабабли бу галги Халқаро сайёҳлик кўргазмасида 136 давлат иштирок этди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳам унинг расмий иштирокчисига айланди.

Жамғарма матбуот хизматидан маълум қилишларича, ушбу кўргазмада мамлакатимиз учун икки махсус павильон ажратилган, стендларда жойлаштирилган экспонатлар ҳамда тегишли адабиётлар бу ерга ташриф буюрганларни республикамизнинг серқирра туризм салоҳияти билан батафсил таништириш имконини берди. Ўзбекистон ҳудудида юзлаб ноёб меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар борлиги таъкидланди. Уларнинг бир қисми эса ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Халқ ҳунармандларининг санъати бетакрор бўлиб, улар бой табиатимизнинг ёрқин ранглари, аждодларимиз руҳи, шеърияти ва доно фалсафасини ўзида мужассам этган. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг Миллий санъат маркази томонидан тақдимот маросими доирасида уюштирилган халқ усталари ишлари кўргазмаси ҳам бу ерга келганларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро кўргазма бўлиб ўтган кунларда Токиодаги поездлар ва бошқа транспорт воситаларида жамғарма ва “Келажак-тур” бюроси фаолияти ҳақида ахборотлар жойлаштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда сайёҳлик саноати ва жамғарманинг халқаро лойиҳалари, жумладан, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали ва “Style-UZ” дизайн ҳамда мода ҳафталиги ҳақида ҳикоя қилувчи махсус журнал чоп этилди.

“Янги Буюк Ипак йўли ва Япония ҳамда Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасидаги алмашинув истиқболлари” мавзуида ўтказилган семинарда Кунчиқар мамлакатининг йирик сайёҳлик компаниялари ва агентликлари вакиллари иштирок этди. Япониялик таниқли археолог Като Кюдзо Ўзбекистонда топилган будда қазилмаларининг сайёҳлар учун қизиқарли экани, машҳур фотосуратчи Жюна Акино “Ўзбекистоннинг сайёҳлик саноати ва маданий мероси япониялик фоторассом нигоҳида” мавзуида маъруза қилди. Тақдимот маросими дастуридан “Офарин” миллий рақс театрининг концертлари ҳам ўрин олди.

Таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Ўзбекистон билан Япония ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. 2006 йилда Токиода жамғарманинг ваколатхонаси очилгандан буён ушбу мамлакатда қатор йирик маданий тадбирлар ташкил этилди. “Ўзбек фотографияси -125 ёшда” кўргазмаси, Буюк Ипак йўлига бағишланган кўплаб тадбирлар, Ўзбекистон маданияти кунлари, Япония-Ўзбекистон бизнес-форумлари, “Ўзбекистон меъморчилиги” кўргазмаси, “Японияда ўзбек киноси кунлари” фестивали, “Япония ва Ўзбекистон — болалар нигоҳида” экспозицияси, Ўзбекистон миллий либослари фестивали ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Жамоатчилик орасида катта акс садо берган юртимиз сайёҳлик салоҳияти тақдимот маросими Ўзбекистон — Япония алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

**ТОШКЕНТДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ХИТОЙДА ТАЙЁРЛАНГАН ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ БИЗНЕС ФОРУМИ ИШ БОШЛАДИ.**

— Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда кенг кўламда ҳамкорлик қилмоқда, савдо-сотиқ борасида ҳам алоқалар кундан-кунга ривожланмоқда, — дейди Гуандун провинциясининг иқтисодиёт ва савдо бўлими раҳбари Чжэн Яохуан. — 2008 йилнинг олти ойи мобайнида товар айирбошлаш ҳажми 17 фоизга ошди ва 711 миллион долларни ташкил қилди. Ишончим комилки, ўтаётган форум икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

— Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари илдизи узоқ тарихга бориб тақалади, — дейди Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов. — Қадимда Буюк Ипак йўли орқали икки мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқаларни ривожлантирган. Бугунга келиб эса, ўзбекистонлик тадбиркорлар хитойлик ишбилармонлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлишди.

Тадбир чоғида Гуандун провинциясининг иқтисодий имкониятлари борасида ҳам атрофлича маълумот берилди. Маҳаллий тадбиркорлар асосан, ахборот-коммуникация технологиялари, нефткимё, озиқ-овқат, машинасозлик, энергетика каби тўққизта йўналиш борасида фаолият юритишади. Хитойлик қурилиш саноати ишбилармонлари билан ҳамкорлик мамлакатимиз тадбиркорларига катта тажриба мактабини ўташи шубҳасиз. Зеро, у ерда керамика ва керамика маҳсулотлари, пластмасс товарлар, цемент саноати борасида улардан жуда кўп нарса ўрганиш мумкин.

Бундан ташқари хитойлик ишбилармонлар томонидан тайёрланган қурилиш материаллари кўргазмаси ҳам тадбиркорларимиз учун фойдали шартномалар имзолашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**«Туркистон-пресс»**

---

***Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган қутқарувчиларнинг кўпкураш мусобақаси якунига етди. Унда мазкур вазирлик тизимидаги бошқармалар вакилларидан иборат ўн саккиз жамоа иштирок этди.***

# ҚУТҚАРУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мазкур мусобақадан кўзланган асосий мақсад соҳа ходимларининг аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген кўринишдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, қалтис ҳолатлар юз берганида уларнинг оқибатларини тезда бартараф этиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш борасидаги билим ва малакасини янада оширишдан иборатдир.

Беш кун давом этган мусобақада иштирокчилар тоғда машқ қилиш, ғаввослик ва спорт тайёргарлиги билан бир қаторда фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини амалга ошириш бўйича маҳоратини намойиш этди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилишларича, Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази қутқарувчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган. Иккинчи ўрин Тез ҳаракат қилиш махсус отряди жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари эгаллади.

Шахсий биринчиликда ҳам ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

*Иқтисодиёт*

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛҚУРИЛИШ» УНИТАР КОРХОНАСИ ТУЗИЛГАНИГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ ЎТГАНИ ЙЎҚ. АММО ШУ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ЖОНЛАНИБ КЕТДИ.**

Ҳар қандай шароитда саноат ва фуқаро қурилишларини уддалай оладиган даражадаги техника ва малакали кадрлар билан таъминланган бу корхона Тошкентда қад кўтараётган темир йўл коллежини тўла бунёд этиш билан ҳам шуғулланмоқда.

Ёшлар йили муносабати билан Тошкентдаги қатор темир йўл узелларида бир нечта кўп қаватли уйларни қуришда ҳам корхона жамоаси фаоллик кўрсатади.

# БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

**САЛОР БЕКАТИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА ҲАМ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУ ЕРДА ЖУФТ ЙЎЛЛАР ТУБДАН ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ.**

Бу эса ташиш ҳажмининг ошиб боришида ҳам ўз самарасини бераётир. Шу боис вагон сўраб мурожаат қилаётган корхоналар сони анча ортди.Тошкент қора металларга иккиламчи ишлов бериш заводи ҳам ўз маҳсулотларини мижозларга етказиб беришда бекат хизматидан фойдаланмоқда. Тошкент лок-бўёқ корхонасининг буюртмаси ҳам ўз вақтида адо этилмоқда.

# «СОҒЛОМ МАҲСУЛОТ» БЕЛГИСИ ОСТИДА

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ШИРИН КУЛЧА» КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН НОНЛАР АҲОЛИГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА. ҲОЗИР КОРХОНА 50 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА.**

«Винклер», «Экмосан» каби технологик линиялардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Харидорлар талаби инобатга олиниб, парҳез нонлар пишириш ҳам йўлга қўйилди. Айниқса, жавдар, арпа, маккажўхори унидан тайёрланаётган маҳсулотлар тансиқ бўлиб қолди.

«Соғлом маҳсулот» белгиси остида сотувга чиқарилаётган нонлар хили янада кўпаяди.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР

**«АЗИЯТРАНСТЕЛИМИНОР» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ.**

Тошкент товар-юк саройи билан Россиядаги «Узоқ Шарқтранспортгуруҳи» компанияси ҳамкорлигида юзага келган бу корхонанинг экспорт-импорт салоҳияти ҳам ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда қатор янги техникалар жорий этилди. Бу эса 20-40 футли контейнерларга озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортишни автоматлаштириш имконини берди. Бу усул билан юкларнинг аксариятини Европа, Марказий Осиёга жўнатишга эришилмоқда.

Россиялик ҳамкорлар юк вагонлари учун эҳтиёт қисмларни ҳам етказиб беришни режалаштирдилар.

# ИЖОБИЙ САМАРА БЕРМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ЯПОНИЯДА ЎЗ ВАКОЛАТХОНАСИГА ЭГА БЎЛГАНДАН СЎНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛА БОШЛАНДИ.**

Ўзбекистондан асал, қуруқ мевалар ҳам кўплаб юборилмоқда.

Чарм маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун кўрилаётган тадбирлар ҳам ижобий самарасини бермоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ МАСАЛА

**ПОЙТАХТДА “СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН “ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯГОНА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.**

Республика Халқ таълими вазирлиги, халқаро хайрия жамғармалар ҳамда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериш борасидаги ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, жумладан, имконияти чекланган ёки ота-она қарамоғисиз қолган болаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, уларни жамиятдан узилиб қолмаслиги ҳар томонлама зарур кўмакка эга бўлишлари, қолаверса, таълим-тарбия олишларини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада махсус таълим муассасаларида янги педагогик усулларни тадбиқ этиш, жумладан инклюзив таълимни ривожлантириш яхши самара беради. Яъни, имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўқитиш ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Тадбирда таъкидланишича, кейинги йилларда таълимнинг бу шаклига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда давлат, жамоатчилик ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳам беқиёс. Анжуманда мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларга инклюзив таълим-тарбия беришни янада такомиллаштириш шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ушбу жараёнга боғлиқ янги лойиҳа ва тадбирлари хусусида фикр алмашилди. “Инклюзив таълим-тарбиянинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда зарур қўлланмалар ишлаб чиқиш”, “Болаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш”, “Уларга ўз имконияти даражасида ёндашиш” каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, тадбирда долзарб масалалардан бири, яъни имконияти чекланган болаларга нисбатан аввало, ота-оналарнинг тўғри муносабатини шакллантириш, аниқроғи фарзандини жамиятга йўналтира олиш ва бу билан болада бошқалардан кам эмаслик ҳиссини уйғотиш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада ота-оналар билан биргаликда олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

